



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova</b> "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
<b>Музаффар Шокиржонович Ахмедов</b> Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Нуриддин Эламонович Эрназаров</b> Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Мажит Жанызақович Бауетдинов</b> Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлилигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида	166
<b>Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев</b> Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
<b>Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva</b> Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
<b>Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов</b> Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
<b>Илҳом Сайиткулович Очилов</b> Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
<b>Юсуф Ибрагимович Турдибеков</b> Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
<b>Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова</b> Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Джахонгир Расулович Зайналов</b> Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
<b>Хилола Фармоновна Очилова</b> Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
<b>Хилола Нематовна Очилова</b> Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев</b> Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	

Юлдуз Шарафиддинова Рахмонова – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

## ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КЎЧМАС МУЛКНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАН ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада инвестициявий кўчмас мулкларни тан олиш қоидалари келтирилган. Тан олиш қоидаларини қўллашнинг уч босқичдан иборат услубий тартиби ишлаб чиқилган. Қийматининг ошиши ҳамда ишончли баҳолашларга очиқлашлар келтирилган. Инвестициявий мулклар харид қилинганда тан олиш ҳамда унинг натижаларини бухгалтерия счётларида акс эттириш тартиби, шунингдек “Инвестициявий кўчмас мулк” счётини очиш таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** инвестициявий кўчмас мулк, адолатли қиймат, бошланғич таннархи, активдан фойдаланиш ҳукуқи, молиявий ҳисобот.

**Кириш.** Мамлакатимизда ислохотлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватини ошириш, кўчмас мулклардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарнинг экспорт потенциалини ошириш кун тартибидаги масалалардир. Бу ўз навбатида хорижий инвесторларни кенг жалб қилишни тақозо этади. Хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида хорижий компаниялар брендларини жалб қилиш ва халқаро стандартларга риоя қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш” [1] вазифасининг қўйилиши ҳам инвестициявий жозибадорликни оширишни тақозо этади. Инвестициявий муҳитни яхшилашда энг муҳим омиллардан бири бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)ни жорий ҳисобланади.

Бугунги кунда бизнинг амалиётимизда қўлланилмай келган стандартлардан бири бу 40-сон БХМС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартидир [2]. Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида инвестициявий кўчмас мулкларни (ИКМ) тан олиш ва баҳолашнинг услубий жиҳатларини очиб бериш, уларни амалиётда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ўз ечимини тўлиқ топмаган. Бу эса ИКМларни халқаро стандартларга мувофиқ тан олиш ва баҳолаш масалаларини тадқиқ этишни тақозо этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Мамлакатимизда инвестициявий мулкни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришнинг услубий масалалари олимларимиз томонидан ўрганилиб келинмоқда. А.З. Авлоқулов [4] “Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инвестицион мулк ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш” мавзусида 2007 йили номзодлик диссертацияси ёқлаган. С.Н. Ташназаров [6] томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” дарслигида ИКМни тан олиш масалалари ёритилган. Робин Джойс [5] Россия молия академияси гранти бўйича банкларда инвестициявий мулкларни ҳисобга олишга доир ўқув қўлланмасини 2017 йили нашр эттирган. Ўзбеки тилида Татьяна Шолунова [7] томонидан “Инвестициявий мулкка бошқача назар” деб номланган мақоласи чоп этирилган. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, ўзбек тилида чоп этирилган мақолалар ҳиссаси кам. Бу эса инвестициявий кўчмас мулкларни тан олишнинг илмий асосларини ёритиб берувчи мақолалар чоп этиришни зарурият қилиб қўяди.

Ўзбекистонда жорий қилиниши мўлжалланган Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МХМС) янги лойиҳасида “Инвестиция кўчмас мулки - бу қуйидаги мақсадларни истисно қилган ҳолда, ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши ёки ҳар икки мақсад учун мўлжалланган (кўчмас мулк эгаси томонидан ёки молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачи томонидан тутиб туриладиган) кўчмас мулк (ер ёки бино ёки бинонинг бир қисми ёки ҳар иккаласи): (а) ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган; ёки (б) одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган” [3] деб таъриф келтирилган.

40-сон БХХС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартига мувофиқ инвестициявий кўчмас мулкни тан олишнинг умумэтироф этилган қоидалари белгиланган: инвестициявий

кўчмас мулкка берилган таърифга жавоб бериши керак; ИКМлардан иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлади; унинг қийматини ишончли баҳолаш мумкин [2]. Ушбу қоидаларнинг услубий қўлланилишини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида таҳлил ва синтез, илмий абстракция, танқидий ёндашув, монографик кузатув, иқтисодий таҳлил, статистика ва бухгалтерия ҳисоби усулларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** ИКМни тан олишнинг услубиётига доир масалаларни кўриб ўтамиз.

*Stainless-Steel МЧЖ корхонаси 2023 йил 1 январдан асосий воситалар гуруҳига кирган бошланғич қиймати 2 450 680 минг сўм бўлган бинони одатдаги фаолиятида фойдаланишини кўзда тутмасдан, балки келгусида қиймати ошишидан даромад олиш учун мўлжалланганлигини эътироф этди. Сўнги таҳлиллар шуни кўрсатадики, бозорда айнан шу бино жойлашган ҳудудда ер ва биноларнинг нархи ошиши кузатилмоқда. Лекин, қонунчиликка мувофиқ бино остидаги ерни хусусий мулк объекти сифатида баҳолаш имконияти бўлмади. Ушбу бино инвестициявий кўчмас мулк сифатида тан олинадими?*

ИКМ сифатида тан олинishi учун юқоридаги учта мезондан текширувдан ўтказилиши керак ва бир вақтнинг ўзида учта мезон талабларига жавоб бериши керак.

**Биринчи босқич.** ИКМ таърифи талабларига жавоб бериши. Мазкур бино ИКМга берилган таъриф талабларига жавоб беради. Чунки у фойдаланиш учун ва сотиш учун мўлжалланмаган. Қийматининг ошиши натижасида даромад олишга мўлжалланган.

**Иккинчи босқич.** Унинг қийматининг келгусида ошиши эҳтимоли юқори, яъни юқори эҳтимол билан унинг қиймати ошади ва корхона иқтисодий наф олади.

**Учинчи босқич.** Мазкур бинони ишончли баҳолаш имконияти мавжуд. Унинг бошланғич қиймати 2 450 680 минг сўмни ташкил этади. Буни ишончли баҳолаш деб қабул қилиш мумкин. Бино остидаги ернинг баҳоланмаганлиги ва хусусий мулк сифатида тан олинмаганлиги бинони ИКМ сифатида тан олишини инкор қилмайди.

*Эл холдинг компанияси 15 йиллик ижара шартномаси бўйича бошқа ташкилот биносидан 160 м2 цех-бўлимни субижарага бериши учун ижарага олади. Активдан фойдаланиш ҳуқуқи 978 725 минг сўм деб баҳоланган. Бу цех-бўлим ижарага берувчи корхона ишлаб чиқариш биносининг таркибий қисми ҳисобланади. Компания ушбу цех қисқа муддатли перспективада операцион ижарага беради. Активдан фойдаланиш ҳуқуқини инвестициявий мулк сифатида тан олиш мумкинми?*

Юқоридаги қадамларда учта мезон талабларига мувофиқлигини текшириб чиқамиз.

Биринчи босқич, ушбу кўчмас мулк узоқ муддатли ижарага олинган. Молиявий ижара сифатида баҳолаш мумкин. Ижара муддати 15 йил. Стандартларга мувофиқ активдан фойдаланиш ҳуқуқи дейилганда, ижарачининг ижара муддати давомида базовой активдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунилади. Активдан фойдаланиш ҳуқуқи субижара берилган. Қайта ижара бериш операцион ижара шаклида амалга ошган. Операцион ижарадан даромад олиш кўзда тутилган. Фойдаланиш учун ёки соиш учун мўлжалланмаган.

Иккинчи босқич, ижарадан даромад олиш эҳтимоли мавжуд. Чунки, ижарачи билан шартнома тузилган. Шунинг учун юқори эҳтимол билан даромад олинади.

Учинчи босқич, молиявий ижара бўйича олинган 160 м2 цех-бўлими бинони ишончли баҳоланган. Бу активдан фойдаланиш ҳуқуқи сифатида 978 725 минг сўмга баҳоланган. 17-сон БҲХС “Ижара” га мувофиқ активдан фойдаланиш ҳуқуқи адолатли қиймати бўйича баҳоланган.

Изоҳ сифатида таъкидлаш лозимки, молиявий ижарага бурувчи ташкилотда цех-бўлим биноси унинг умумий ишлаб чиқариш биносининг тақрибий қисми бўлса ҳам, уни алоҳида идентификациялаш ва баҳолаш имконияти бўлганлиги учун инвестициявий мулк объекти бўлиши мумкин.

*Натурел замин МЧЖ компанияси кўчмас мулк, яъни ер харид қилган. Ушбу ташкилот кўчмас мулк биржаси орқали хорижда ер участкасини сотиб олади. Ушбу ер участкасини 5400 минг АҚШ долларига сотиб олади. Холис баҳоловчиларнинг хулосасига*

кўра унинг адолатли (ҳаққоний) қиймати 6800 минг АҚШ долларини ташкил этган. Компания ушбу ер участкасини учинчи шахсларга ижарага топшириши ёки қайта сотиши учун қурилиш олиб боришига қарор қилгани йўқ. Ушбу қарорни компания кейинги ҳисобот даврида қабул қилади. Лекин, ушбу ерни ижарага бериши, ёки қурилишни амалга ошириб сотиши бўйича қарорлардан бири қабул қилиниши аниқ.

Ташилотнинг ҳисоб сиёсатида ИКМни адолатли қийматида акс эттириши кўзда тутилган.

*Ушбу ер участкаси захира сифатида ёки ИКМ сифатида тан олинадими?*

Ушбу харид қилинган ер участкаси захира сифатида тан олинishi учун ушбу ер участкасидан ишлаб чиқариш, сотиш ёки маъмурий-бошқарув мақсадларида фойдаланиш керак бўлади.

40-сон БХХС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартининг 8 банди б-хатбошида “Айни вақтда келгусида ишлатилиши аниқланмаган Ер. Агарда ташкилот мулкдор эгалигидаги кўчмас мулк сифатида ердан фойдаланиш ёки одатдаги фаолияти давомида қисқа муддатли перспективада реализация қилиш учун қарор қабул қилмаган бўлса, у ҳолда ушбу ер капиталнинг ўсиши учун мўлжалланган деб ҳисобланади” деб қайд қилинган.

Лекин, ушбу ҳолатда иккита қарордан биттасини, яъни ижарага бериши ёки қурилишни амалга ошириб сотиши аниқ. Фақат қайси бирини қабул қилиши аниқ эмас. Бундан ташқари ижара оператив ижарами ёки молиявий ижарага топшириши ҳам аниқ эмас. Лекин, улардан бирининг юз бериши аниқ. Агарда ижарага бериш, сотиш ёки қурилишни амалга ошириш қисқа муддатда умуман аниқ бўлмаганда эди, у ҳолда халқаро стандартнинг 8-бандининг б-хатибоши қоидаларига мувофиқ келар эди. Бу эса уни келгусида капиталнинг ўсиши сифатида баҳолаш ва натижада кўчмас мулкни ИКМ деб тан олишга асос бўлар эди.

Шу сабабли масаланинг ечими сифатида Ерни захира сифатида тан олишга асос бор. 2-сон МХХС “Захиралар” стандартига мувофиқ захиралар мажбурий тартибда таннархи ёки реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қийматидан энг кичиги бўйича баҳоланиши шарт. Ернинг адолатли қиймати бу фаол бозорда сотиш мумкин бўлган қийматидир. Бу эса адолатли қийматини соф сотиш қиймати деб олишга асос бўлади. Масаланинг шартда ернинг таннархи 5400 минг АҚШ доллари, адолатли қиймати 6800 АҚШ долларига тенг. Демак, ер келгусида сотиш учун мўлжалланганлигини инобатга олиб унинг ҳисобда акс эттириладиган қиймати таннархи бўйича 5400 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Агар ташкилот келгуси ҳисобот йилида ерни капитал қийматининг ўсиши сифатида тутиб туришга қарор қилса, ушбу ҳолатда ер инвестициявий кўчмас мулк сифатида тан олинади. Ҳисоб сиёсатида ИКМни адолатли қийматида акс эттириш кўзда тутилганлиги боис, ҳисобда унинг адолатли қийматини 6800 минг АҚШ доллари сифатида акс эттираемиз. Ушбу ҳолатни қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттиришни таклиф этаемиз.

*Капитал қуйилмалар (Ер хариди).....5 400 000 АҚШ доллари*

*Тўланадиган сўтлар..... 5 400 000*

*Асос: Ташкилот хориждан опцион орқали 5400 минг АҚШ долларига ер харид қилиб олди.*

Ердан капитал қийматининг ошиши сифатида даромад олишни мўлжалланганлиги боис инвестициявий мулк сифатида тан олиш ва адолатли қийматида ҳисобга олиш кўзда тутилган. 40-сон БХХС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартига мувофиқ адолатли қиймати ва таннархи ўртасидаги фарқ фойда ва зарарларда акс эттирилади. Ушбу жараёни бухгалтерия сўтларида акс эттираемиз:

*Инвестициявий мулк (Ер участкаси).....6 800 000 АҚШ доллари*

*Капитал қуйилмалар (Ер хариди).....5 400 000*

*Фойда ва зарарлар.....1 400 000*

*Асос: Ер участкасининг бошланғич таннархи 5400 минг АҚШ доллари, ҳолис баҳоловчи ташкилотларнинг берган адолатли баҳоси 6800 минг АҚШ долларини ташкил*

этган. Адолатли ва бошлангич қийматининг ўртасидаги фарқ қийматнинг ошиши сифатида фойда ва зарарларда акс эттирилади.

Юқоридаги ИКМни тан олишга доир амалий мисоллар ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга доир услубий тартиблар халқаро стандартларга мувофиқ келади ҳамда ИКМларни баҳолаш учун хизмат қилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Инвестициявий кўчмас мулкни тан олишга доир тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

халқаро стандартда инвестициявий кўчмас мулкни тан олишда ИКМлардан иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлиши ҳамда унинг қийматини ишончли баҳолаш мумкинлигига оид шартлари кўрсатилганлиги инobatга олиниб, тадқиқот ишида ИКМлардан қайдай иқтисодий нафлар олишини ва ишончли баҳоланиши мумкинлиги асослаб берилди;

Халқаро стандартларга мувофиқ равишда ИКМларни учта босқичда тан олиш услубий тартиби таклиф этилди ва амалий мисолларда кўрсатиб берилди;

ИКМ харид қилиш ва уни қайта баҳолаш натижасида олинган фойда ва зарарларни бухгалтерия счётларида акс эттириш мақсадида “Инвестициявий мулк” счётини очиш ва унинг асосий бухгалтерия ёзувлари таклиф этилди.

Ушбу таклифларнинг амалиётда қўлланилиши мамлакатимизда ИКМларни халқаро стандартла асосида тан олиш ва баҳолаш имкониятини беради. Бу эса маълумотларнинг ҳаққоний ва ишончли бўлишини таъмин этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. 40-сон БХХС “Инвестициявий кўчмас мулк” // <http://finotchet.ru/articles/1272/>
3. Ўзбекистон молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари лойиҳаси // <https://imv.uz/media/budget activity files/МХХС Лойиҳа. pdf>
4. Авлоқулов А.З. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инвестицион мулк ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: 08.00.08: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2007. -24-б.
5. Робин Джойс . Учебное пособие по МСФО (2017) <http://finotchet.ru/articles/1272/>
6. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Т.: 2019. - 584 б.
7. Татьяна Шолунова. Инвестициявий мулкка бошқача назар // [https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text107819\\_investiciyaviy\\_mulkka\\_boshqacha\\_nazar](https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text107819_investiciyaviy_mulkka_boshqacha_nazar)

<p><b>Ю.Рахмонова</b></p> <p><b>Вопросы признания инвестиционной недвижимости на основе международных стандартов</b></p> <p><b>Аннотация:</b> В данной статье представлены правила признания инвестиционной недвижимости. Разработана трехэтапная методическая процедура применения правил признания. Раскрывается информация о повышении стоимости и достоверных оценках. Предлагается признавать закупку инвестиционной недвижимости и отражать ее результаты на бухгалтерских счётах, а также открыть счёт «Инвестиционная недвижимость».</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инвестиционная недвижимость, справедливая стоимость, первоначальная стоимость, право пользования активом, финансовая отчетность.</p>	<p><b>Y.Rakhmanova</b></p> <p><b>Issues of recognition of investment property on the basis of international standards</b></p> <p><b>Abstract:</b> This article presents the rules for the recognition of investment property. A three-step methodological procedure for applying the recognition rules has been developed. Disclosures are made to appreciation and reliable valuations. It is proposed to recognize the purchase of investment property and reflect its results in the accounting accounts, as well as to open an "Investment property" account.</p> <p><b>Keywords:</b> investment property, fair value, initial cost, right to use asset, financial reporting.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023